

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING  
QARORI

**263 Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадий фильмларни кино ва видео тасвирга олиш тартиби тўғрисида**

Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадий фильмларни кино ва видео тасвирга олишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадий фильмларни кино ва видео тасвирга олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадий фильмларни кино ва видео тасвирга олиш фақат хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадий фильмларни кино ва видео тасвирга олишга рухсатномалар асосида амалга оширилади.

3. «Ўзбеккино» миллий агентлиги хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадий фильмларни кино ва видео тасвирга олишга рухсатнома бериш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 12 июнь,  
169-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 12 июндаги 169-сон қарорига  
ИЛОВА

**Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон  
Республикаси ҳудудида бадиий фильмларни кино ва  
видео тасвирга олиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадиий фильмларни кино ва видео тасвирга олиш тартибини белгилайди.

2. Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадиий фильмларни кино ва видео тасвирга олиш фақат хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадиий фильмларни кино ва видео тасвирга олишга берилган рухсатномалар (кейинги ўринларда рухсатнома деб аталади) асосида амалга оширилади.

Фильмни ишлаб чиқариш Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобига Ўзбекистон кинематографистлари жалб этилган ҳолда амалга оширилган тақдирда рухсатнома олиш талаб этилмайди.

3. «Ўзбеккино» миллий агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) рухсатнома бериш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**бадиий фильм** (кейинги ўринларда фильм деб аталади) — оригинал сценарий ёки адабий асарни экранлаштириш асосида тасвирга олинадиган аудиовизуал асар;

**кино ва видео тасвирга олиш** — ўзаро боғлиқ тасвирларни кино-тасма (целлулоид асосида) ёки рақамли воситаларга овоз ёки овозсиз қайд этиш йўли билан кинематографик тасвирларни яратиш жараёни;

**режиссёр сценарийси** — ҳаракат содир бўладиган жой ва вақт, режанинг йириклиги, метраж, тасвирга олиш усули ва овозлаштирилиши кўрсатилган ҳолда фильм сюжети ривожланишининг монтаж изчиллигидаги ҳар бир эпизоднинг тўлиқ тавсифи мавжуд бўлган фильм олишнинг ижодий ва ишлаб чиқариш-техник лойиҳаси;

**фильм олиш тақвим режаси** — фильмни олиш жараёнида ишларнинг барча турлари бажарилиши муддатларини акс эттирувчи тасвирга олиш гуруҳининг ишлаб чиқариш режаси;

**ариза берувчи** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фильмни кино ва видео тасвирга олиш ниятидаги хорижий кинокомпания ёхуд бошқа ташкилот;

**рухсатнома** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кино ва видео тасвирга олиш учун ариза берувчининг ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат;

**эксперт кенгаш** — ариза берувчига рухсатнома бериш масалалари бўйича хулоса чиқариш ваколатига эга бўлган манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар вакиллари, шунингдек жалб этилган киношунослар, кино танқидчилари, санъатшунослардан ташкил этилган комиссия;

**маҳаллий ташкилот** — Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган, бадиий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион кино ва видеофильмларни ҳамда дастурларни ишлаб чиқаришга тегишли лицензияга эга бўлган, кино ва видео тасвирга олишда ариза берувчига шартнома асосида ташкилий ва ишлаб чиқариш-техник хизматлар кўрсатувчи юридик шахс.

## II. Рухсатнома бериш тартиби

5. Ариза берувчи рухсатнома олиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суратга олиш ишлари бошланишидан камида икки ой олдин Агентликка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича рухсатнома бериш учун ариза;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириш режалаштирилаётган эпизодлар, кино ва видео тасвирга олиш ажратиб кўрсатилган ҳолда режиссёр сценарийсининг давлат тилида ёки рус тилида 6 (олти) нусхадаги босма варианты;

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кино ва видео тасвирга олинадиган жойлар кўрсатилган ҳолда ишларни ташкил этишнинг фильм олиш тақвим режаси;

ариза берувчи томонидан кино ва видео тасвирга олиш учун жалб этиладиган маҳаллий ташкилотнинг бадиий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион кино ва видеофильмларни ҳамда дастурларни ишлаб чиқаришга тегишли лицензияси нусхаси, тегишли хизматлар кўрсатиш учун ушбу ташкилот билан тузилган шартнома нусхаси;

ариза кўриб чиқилганлиги учун ариза берувчи томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ариза берувчидан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳужжатлар ариза берувчи томонидан Агентликка бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар масъул ходим томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

6. Агентлик тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва ариза қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилади.

7. Агентлик ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан ҳар томонлама танишиш мақсадида Агентлик томонидан ташкил этиладиган Эксперт кенгашнинг ҳулосаси асосида тегишли қарор қабул қилади.

8. Агентлик кўриб чиқиш натижалари бўйича рухсатнома бериш ёхуд рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

9. Қуйидаги ҳолларда:

а) агар режиссёр сценарийсида:

миллий, ирқий, этник ёки диний душманликни тарғиб этувчи;

фуқароларнинг миллий мансублиги, диний эътиқодлари муносабати билан уларнинг кадр-қимматини камситувчи, ҳақорат қилувчи ёки ахлоқ нормаларига ва миллий менталитетга зид бўлган;

Ўзбекистон Республикаси халқларининг тарихи, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини ноҳаққоний ёки бузиб акс эттирувчи;

бошқа халқларнинг маданий-тарихий қадриятларига, маънавий-ахлоқий асосларига ва бошқа манфаатларига дахл қилувчи;

экстремизм ва терроризм ғояларини, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий ёки бошқа жавобгарликка олиб келувчи порнографик ва бошқа хусусиятга эга бўлган сахналар мавжуд бўлса;

б) ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузилган маълумотлар мавжуд бўлса;

в) рухсатнома берилганлиги учун йиғим тўлаш шартларига риоя этилмаса рухсатнома бериш рад этилиши мумкин.

10. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ариза берувчига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича рухсатнома берилади.

Рухсатнома ариза берувчи томонидан рухсатнома берилганлиги учун белгиланган тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан кейин уч кун муддатда берилади.

11. Рухсатнома бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома Агентлик томонидан рад этишнинг аниқ сабаблари ва рухсатнома талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда ариза берувчига юборилади (топширилади).

12. Ариза берувчи томонидан рухсатнома бериш рад этилиши учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда Эксперт кенгаш ҳужжатлар такроран кўриб чиқилгандан кейин беш кун мобайнида улар бўйича эксперт ҳулосасини тайёрлайди.

Агентлик Эксперт кенгашнинг ҳулосаси олингандан кейин тўрт кундан

ортиқ бўлмаган муддатда рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Рухсатнома бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади.

13. Рухсатнома фильм олиш таквим режасида қайд этилган муддатга берилади. Агентлик билан келишилган фильм олиш таквим режаси рухсатноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

14. Агар суратга олиш жараёни давомида ариза берувчида фильм олиш таквим режасига ёки кино ва видео тасвирга олиш жойларига ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келса (келишилган режиссёр сценарийси мазмунига ўзгартириш киритмасдан), у ҳолда, хорижий кинокомпаниянинг аризаси бўйича Агентлик икки ҳафтадан ортиқ бўлмаган муддатда аризани кўриб чиқади ва мўлжалланаётган ўзгартиришлар бўйича қарор чиқаради. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда киритилган ўзгартиришлар кўрсатилган ҳолда қўшимча рухсатнома берилади.

### **III. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш**

15. Рухсатноманинг амал қилиши, агар:

кино ва видео тасвирга олиш жараёнида тасвирга олинаётган материалнинг ҳақиқий мазмуни билан Агентлик билан келишилган режиссёр сценарийси ўртасида тафовутлар аниқланган;

кино ва видео тасвирга олиш Агентлик билан келишилган фильм олиш таквим режасида назарда тутилмаган жойларда амалга оширилган;

хорижий кинокомпания бадий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион кино ва видеофильмлар ҳамда дастурларни ишлаб чиқаришга тегишли лицензияга эга бўлмаган маҳаллий ташкилот хизматларидан фойдаланган;

Агентликнинг ариза берувчига аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарори хорижий кинокомпания томонидан бажарилмаган ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин.

Хорижий кинокомпания томонидан рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, Агентлик кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида тасдиқнома олинган кундан бошлаб уч кун муддатда рухсатноманинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбурдир.

16. Рухсатноманинг амал қилиши:

хорижий кинокомпания рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган;

хорижий кинокомпания тугатилган;

рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатлар Агентлик томонидан белгиланган муддатда хорижий кинокомпания томонидан бартараф этилмаган;

Агентликнинг рухсатнома бериш тўғрисидаги қарори ноқонунийлиги аниқланган;

рухсатноманинг амал қилиш муддати тўхтатилган ҳолларда Агентлик томонидан тўхтатилади.

Агентликнинг рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори хорижий кинокомпанияга қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай ёзма шаклда етказилади.

17. Рухсатномани бекор қилиш, агар:

қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда рухсатнома олиш ҳолати аниқланган;

ариза берувчи рухсатнома бериш учун қарор қабул қилиш тўғрисидаги билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан бошлаб бир ой мобайнида Агентликка рухсатнома берилганлиги учун белгиланган тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этмаган;

ариза берувчи рухсатномани бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган ҳолларда Агентлик томонидан тўхтатилади.

18. Агентликнинг рухсатнома амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан Ўзбекистон Республикаси судларига шикоят қилиш мумкин. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш суд томонидан асоссиз деб эътироф этилган тақдирда Агентлик хорижий кинокомпания олдида етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

#### **IV. Ариза кўриб чиқилганлиги учун тўлов ва рухсатнома бериш**

19. Рухсатнома олишга ариза кўриб чиқилганлиги учун ариза берувчидан Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси Агентликнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ариза берувчи берилган аризани рад этган ёки рухсатнома бериш рад этилган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

20. Рухсатнома берилганлиги учун ариза берувчидан республика бюджетидан даромадига Агентлик билан келишилган фильм олиш тақвим режасининг тасвирга олиш кунлари сонидан келиб чиқиб ҳар бир тасвирга олиш кунини учун 200 АҚШ долларига тенг суммада (тўлов кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича) миллий валютада тўлов ундирилади.

21. Фильм олиш тақвим режасига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан Агентлик томонидан қўшимча рухсатнома берилган тақдирда киритилган ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда қўшилган тасвирга олиш кунларидан келиб чиқиб қўшимча тўлов ундирилади.

Агентлик томонидан рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни

бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.

#### **V. Рухсатномалар бланкаларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш**

22. Агентлик томонидан ариза берувчиларга бериладиган рухсатномалар бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар ҳисобланади.

23. Рухсатномаларнинг бериладиган бланкаларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш Агентлик томонидан махсус журналда юритилади. Журналга тартиб рақами қўйилган ва у ип ўтказиб тикилган бўлиши керак. Журналнинг охириги саҳифасида варақларнинг ип ўтказиб тикилган жойига Агентлик муҳрининг изи акс эттирилади ва Агентлик раҳбарининг тасдиқловчи имзоси қўйилади.

Режиссёр сценарийсининг Эксперт кенгаш томонидан қабул қилинган узил-кесил варианты нусхаси Агентликда сақланиши керак.

#### **VI. Ушбу Низом талаблари ва шартларига риоя этилиши учун жавобгарлик ва назорат қилиш**

24. Хорижий компания ва у томонидан жалб этилган маҳаллий ташкилот Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу Низом талабларига риоя этилиши учун жавоб беради.

25. Ушбу Низом талабларига риоя этиш устидан назорат қилиш Агентлик томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Хорижий кинокомпаниялар томонидан  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадий  
фильмларни кино ва видео тасвирга олиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Хорижий компания томонидан Ўзбекистон Республикаси  
ҳудудида бадий фильмларни кино ва видео тасвирга  
олишга рухсатнома олиш учун  
АРИЗА**

*«Ўзбеккино» миллий агентлигига*

\_\_\_\_\_ мамлакатининг  
\_\_\_\_\_ компанияси  
(юрidik шахснинг тўлиқ номи)

компания реквизитлари \_\_\_\_\_  
(почта манзили, телефон, факс, электрон почта, банк реквизитлари)

\_\_\_\_\_ фильми учун (номи)  
(асл нусха тилида ва рус ёки ўзбек тилига таржима қилинган ҳолда)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий компания томонидан бадий  
фильмларни кино ва видео тасвирга олиш учун рухсатнома беришни илти-  
мос қилади

фильм тури \_\_\_\_\_  
(кўп серияли, бир серияли, қисқа метражли)

сахналаштирувчи режиссёр \_\_\_\_\_  
продюсер \_\_\_\_\_

Тасвирга олиш режалаштирилаётган Ўзбекистон Республикаси вилоятлари  
(Қорақалпоғистон Республикаси) ва туманлари (шаҳарлари) \_\_\_\_\_

Фильм олишнинг тақвим режасига мувофиқ:  
фильмни тасвирга олишни ташкил этиш бўйича ишларнинг бошланиши  
20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
фильмни тасвирга олишни ташкил этиш бўйича ишларнинг тамом бўлиши  
20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Тасвирга олиш кунлари сони \_\_\_\_\_  
(ёзув билан)

Ўзбекистонда тасвирга олишни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатувчи  
маҳаллий ташкилот:

\_\_\_\_\_ (Маҳаллий ташкилотнинг номи, почта манзили, лицензия рақами ва санаси)

Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар:

1. Фильм олиш тақвим режаси.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*



**23-24 (523-524)-сон**

**— 33 —**

**263-модда**

2. 6 нусхада режиссёр сценарийси.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий компания томонидан бадий фильмларни кино ва видео тасвирга олишга рухсатнома олиш шартлари билан танишдик.

**Компания раҳбари**

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

Мухр ўрни

\_\_\_\_\_ (имзо)

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Хорижий кинокомпаниялар томонидан  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадиий  
фильмларни кино ва видео тасвирга олиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

263-модда

«Келишилди»  
«Ўзбеккино» МА Бош директори

М.Ў.  
20..... йил «...» .....

**Фильм ишларини ташкил этишнинг фильм олиш тақвим  
РЕЖАСИ**

Сана		Тасвирга олишни ташкил этиш жойи ва тасвирга олиш	Объектнинг номи	Кадрлар рақами	Метраж	Кунлар сони						
бошланиши	охири					тайёр-гарлик кўриш	ўзлаштириш	репетиция	кўчиш	дам олиш кунлари	тасвирга олиш	ҳаммаси

Фильм директори (продюсери) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

Фильмни оловчи режиссёр \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

М.Ў.

Хорижий кинокомпаниялар томонидан  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадий  
фильмларни кино ва видео тасвирга олиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**«ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ**

**Хорижий кинокомпания томонидан Ўзбекистон Республикаси  
ҳудудида бадий фильмни кино ва видео тасвирга олишга  
РУХСАТНОМА**

**№ 00000**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

1. Кинокомпания номи \_\_\_\_\_

2. Мамлакат \_\_\_\_\_

3. Фильмнинг номи \_\_\_\_\_

4. Кинокомпания реквизитлари \_\_\_\_\_

5. Тасвирга олиш режалаштирилаётган Ўзбекистон минтақалари  
\_\_\_\_\_

6. Ўзбекистонда ишларни бажариш муддатлари

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ дан

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача

7. Тасвирга олиш кунлари сони \_\_\_\_\_

8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкилий ва кино,-видео хизмат-  
лар кўрсатиш учун масъул бўлган маҳаллий ташкилотнинг номи, почта  
манзили ва лицензияси рақами:

Илова: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишларнинг фильм олиш тақ-  
вим режаси.

**«Ўзбеккино» миллий агентлиги**

**Бош директори**

Ф.И.О. (имзо)

Мухр ўрни